

Оилалар мустаҳкамлигини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмлари такомиллашмоқда

Оила — ҳар биримиз камолга етадиган муқаддас кўрғон. Уни ҳар томонлама асраш, ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш ҳаётий зарурат бўлиб, мамлакатимизда бу борада кенг кўламли саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Чунончи, яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Оила ва аёллар масалалари бўйича комиссияси тузилгани, оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий фаолигини ошириш, соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш, ушбу йўналишдаги давлат дастурларини ҳаётга изчил татбиқ этиш унинг асосий вазифалари этиб белгилангани фикримиз далилидир.

Шу билан бирга, Президентимиз жорий йил 11 октябрда бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги саммитидаги чиқишида бугунги глобаллашув жараёни шароитида долзарб масалалар қаторида оилаларни мустаҳкамлаш, бунда, айниқса, ўсиб келаётган авлодни миллий кадриятлар асосида тарбиялаш муҳим аҳамият касб этишига алоҳида тўхталиб ўтди. Ушбу соҳадаги ишлар юзасидан тажриба алмашиш мақсадида кейинги йилда Ўзбекистонда “Оилаларни мустаҳкамлаш ва ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашда ўзини ўзи бошқариш органларининг роли” мавзусида халқаро конференция ўтказиш таклиф этилди. Эътиборли жиҳати, саммит якунида Оила институти ва анъанавий оилавий кадриятларни қўллаб-қувватлаш бўйича баёнот ҳам қабул қилинди. Албатта, буларнинг барчаси оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда муҳим ўрин тутди.

Шу нуқтаи назардан айтганда, яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси йиғилишида иккинчи ўқишда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси миллий кадриятлардан келиб чиқиб, ажралишларнинг олдини олиш, шу жумладан, бу борада маҳалланинг ролини кучайтиришни назарда тутиши билан аҳамиятлидир. Зеро, таҳлил ва амалиёт натижалари фуқаролар йиғинлари яраштириш комиссияларининг оилавий низоларни судга қадар кўриб чиқиш билан боғлиқ фаолияти самарали бўлаётганидан далолат бермоқда.

Қайд этиш жоизки, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган Фуқаролар йиғинининг яраштириш комиссияси тўғрисидаги намунавий низомга кўра, фуқароларнинг оила ва маҳаллаларда тинч-осойишта, ҳамжиҳатликда яшашига кўмаклашиш, оилавий низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини миллий ва маънавий кадриятларимизга таянган ҳолда кенг тарғиб этиш орқали маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга кўмаклашиш мазкур комиссиянинг мақсади этиб белгиланган.

Судлар ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари томонидан никоҳдан ажратиш билан боғлиқ ишлар тўғрисида яраштириш комиссияларига маълумотлар ўз вақтида юборилмаслиги оқибатида мазкур комиссиялар ажралаётган оилалар ҳақида билмаётгани ва натижада уларни яраштириш бўйича зарур чоралар кўролмай қолаётгани ҳам маълум бўлди.

Қонун лойиҳасига мувофиқ, Оила кодексига суд ва ФХДЁ органлари томонидан уларнинг иш юритувида никоҳдан ажратиш билан боғлиқ ишларнинг мавжудлиги тўғрисида уларни яраштириш учун муайян чоралар кўриш бўйича яраштириш комиссияларини хабардор этиш механизми киритилмоқда. Бу, айтиш мумкинки, кўплаб муаммоли, ҳаётий тажрибага эга бўлмаган оилалар яраштирилишига ва сақлаб қолинишига ҳисса қўшади.

Маълумки, оила-никоҳ масалалари инсоннинг шаъни, узвий ҳуқуқлари билан боғлиқ қадрият ҳисобланади. Шунини инобатга олган ҳолда, тарафларни яраштириш учун муайян чоралар кўриш бўйича яраштириш комиссиялари фаолияти ҳар бир оиланинг давлат ва жамият муҳофазасида эканлигининг амалий аҳамиятини янада оширади, тарафларнинг яна бир қарра оила, ҳаёт, фарзандлар келажаги ҳақида мушоҳада қилишга имкон яратади. Шу ўринда алоҳида қайд этиш жоизки, фуқароларнинг шахсий дахлсиз ҳуқуқларининг кафолати тегишли ҳужжатларга мувофиқ ҳимояланган бўлиб, яраштириш комиссиясига аён бўлган сирларнинг ўзгаларга ошқор қилиниши қатъиян тақиқланган.

Умуман айтганда, мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши оилалар ўртасида ажралишлар сони камайишига хизмат қилиши баробарида, ушбу масалага ҳар бир инсоннинг масъулият ва дахлдорлик билан муносабатда бўлишига туртки беради.

Мухтабар ҲУСАНОВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси депутати.
“Миллий тикланиш” ДП фракцияси аъзоси.